

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВА ШАҲЛО ТОШПУЛАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
science**

Болтаева Шахло Тошпулатовна

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг
ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш..... 3

Болтаева Шахло Тошпулатовна

Совершенствование организационно-педагогические основы развитие
творческой деятельности учащихся начального образования 21

Boltaeva Shakhlo Toshpulatovna

Developing the organizational and pedagogical foundations of the development of
creative activity of children in primary education 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВА ШАҲЛО ТОШПУЛАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус,инглиз(резюме)) веб-саҳифанинг (www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибраимович,
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуманнотов Абдумажит Матаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Адизов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-11-51; факс:(0366) 239-17-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д(PhD)

Н.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимнинг бошланғич босқичларидан бошлаб билимларни чуқур ва мустақкам эгаллаш, универсал ўқув ҳаракатларини ўзлаштириш, мустақил фикрлашни шакллантиришнинг бирламчи омили сифатида ўқувчиларда ижодий билиш фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимларида халқаро баҳолаш дастурининг (PISA, TIMSS) эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллашга оид натижаларига асосланиб, таълимни коррекциялаш ва модернизациялаш, ўқув материалларини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти даражасини оширувчи педагогик ёндашувлардан кенг фойдаланилмоқда.

Дунёда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этиш, кичик мактаб ёшидан ўқувчилар шахсини ривожлантириш, уларнинг қобилияти, ахлоқий ва эстетик хиссиётларини тарбиялаш, ўқишга қизиқиши, ҳоҳиш ва истагини, ўзи ва ўз атрофини ўраб олган оламга ҳиссий муносабатни шакллантиришга қаратилган ўқув тузилмаларини ишлаб чиқиш, ўқувчининг интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи педагогик технологияларга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги давр педагогикасининг ижодий фаолиятга йўналтирилган концептуал илмий изланишлар предмети кичик мактаб ёшидаги болаларда ижодийликнинг ёрқинлашуви, ихтирочиликка қизиқиши, эртак, ҳикоя, кўшиқ, мусиқанинг образли мазмунини тезда идрок этиши, ижодий имкониятларини назарда тутиб белгиланмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишдаги ислохотлар бошланғич таълимдан бошлаб ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича билим ўзлаштиришга эҳтиёжини, асосий миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларини, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатини шакллантиришга зарур шарт-шароитларни яратиш, бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик ёндашувларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Келтирилганларга кўра бошланғич таълимда ижодий муҳитни яратишга қаратилган ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш, ҳамкорликдаги ижодий ишни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон, 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Б.Адизов, Р.Сафарова, Ф.Ходжиева, Ш.Нуруллаева, Р.Нуржанова, Г.Ҳасанова, Н.Дилова, З.Холматова кабиларнинг илмий изланишларида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаоллигини ошириш, креатив ёндашувга асосланган ўқув топшириқларини ишлаб чиқишнинг илмий-педагогик ва методик асослари ёритиб берилган. Психолог олимлардан М.Давлетшин, З.Нишонова, педагог олимлардан Ш.Шарипов, Б.Ходжаев, Г.Ибрагимова, А.Арифжанова, Д.Якубжанова кабиларнинг тадқиқотларида мустақил-ижодий фикрлаш, ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларда креатив компетентлиликни шакллантириш масалалари баён этилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан Г.Альтшуллер, Ш.Амонашвили, Б.Ананьев, В.Андреев, Д.Богоявленская, Л.Выготский, П.Гальперин, И.Лернер, А.Леонтьев, Б.Теплов, Я.Пономарев, С.Рубинштейн, Б.Эльконин кабилар томонидан ижодий фаолиятни ташкил этишнинг назарий ва амалий асослари, ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг ёш ва педагогик-психологик ўзига хосликлари очиб берилган.

Хорижлик олимлардан Н.Маёрова, Ж.Рензулли, М.Рунко, Р. Стернберг, Э.Торренс, Drapeau Patti, Дж.Гилфорд кабиларнинг тадқиқотларида креатив тафаккурнинг ўзига хосликлари, креатив шахсни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ўрганилган.

Юқоридаги таҳлиллар бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий билиш фаоллигини ривожлантириш, ўқув диалоги асосида ўқувчиларнинг жамоавий ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот

ишлари режасининг ПЗ-2014-0903160552-“Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг ижодий ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий-билиш фаоллиги” тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражасини аниқлаштириш;

бошланғич таълимда ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич таълимда ўқувчиларининг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш жараёни танлаб олиниб, Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги 9 та умумтаълим мактабларининг 376 нафар бошланғич синф ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш мазмуни, модели ва технологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; халқ таълими муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаоллиги параметрлари таркиби (барқарор мотивацион, ижобий эмоционал йўналганлик, интилувчанлик) муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик сифатларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ижодий фаолиятнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари (мотивацион-эмоционал, когнитив, иродавий, фаолиятли-ижодий) креатив ёндашувнинг (репродуктив, изланишли-эвристик, ижодий-ташаббускорлик) праксиологик тизимини (одатий, анъанавий фаолият тарзидан янги, амалий эркин ўзгариш) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг диагностика жараёнлари ижтимоий интеллектнинг социал (тушуниш, идрок этиш, оқилона фикрлаш, тафаккурнинг теранлиги) ва эмоционал (шахсий мотивация, ҳиссий барқарорлик, эмпатия), интеллектуал қобилиятдаги динамик мувозанат ва рефлексив-коррекцион функцияларининг ўзаро алоқадорлигини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

Ўқувчиларининг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини ташкил этиш технологияси жамоавий мустақил фаолиятни белгилаш, таҳлил босқичларини режалаштириш, ҳамкорликда ижодий топшириқларни бажариш, кооператив таълимнинг интерфаол шакллари (ғоялар тўплами, экспресс ахборот, ижодий лидер, ролли ўйинлар) мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“ижодий фаоллик”, “ижодий билиш фаоллиги” ва “бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолияти” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган;

“Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари” номли услубий кўлланма ишлаб чиқилган;

бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга доир интеграллашган дарс ишланмалари ишлаб чиқилган;

бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг интерфаол дастурий воситалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган респондентлар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унинг натижалари педагогика фанининг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади. Ишда мазкур педагогик феномен тўғрисидаги илмий тасаввурларни бойитишга хизмат қилувчи “бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий билиш фаоллиги” тушунчасининг моҳияти очиб берилган; кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари ўқувчиларнинг ижодий билиш фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини асослаш орқали бошланғич таълимда ижодий фаолиятни ташкил этишнинг янги ташкилий шаклларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга доир ёндашувларни аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш технологиясини бошланғич синфларда ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Тажриба-синов ишлари материаллари асосида интеграллашган дарс ишланмалари ва ўқув лойиҳалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим тизимига STEAM ўқитиш усулини жорий этиш, 4-синф ўқувчиларини Президент мактабларига тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш курсларида назарий-амалий материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаоллиги параметрлари таркибини аниқлаштириш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усуллари излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик сифатларига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва бошланғич таълимнинг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-197-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синфларнинг “Ўқиш”, “Она тили”, “Математика” фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг мотивацион-эмоционал, когнитив, иродавий, фаолиятли-ижодий мезонларини такомиллаштириш, креатив ёндашувнинг репродуктив, изланишли-эвристик, ижодий-ташаббускорлик даражаларининг праксиологик тизими, диагностик жараёнлар, ижтимоий интеллектнинг социал ва эмоционал, интеллектуал қобилиятдаги динамик мувозанат ва рефлексив-коррекцион функцияларнинг ўзаро алоқадорлигига доир таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-1-31247 “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги лойиҳа доирасида ўйин технологияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-197-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда кооператив таълим техникаларини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини ташкил этиш технологияси, жамоавий мустақил фаолиятни белгилаш, фаолиятни таҳлил этиш босқичларини режалаштириш, ҳамкорликда ижодий топшириқларни бажариш, кооператив таълимнинг интерфаол шакллари мазмунига доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ХТ-1-19701 “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-197-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синфларда муаммоли таълим асосида ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришга доир ўқув топшириқларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 147 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг долзарб педагогик муаммо эканлиги, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари ҳамда амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Ижодий фаолият бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида уларнинг ахлоқий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан тараққий этишига хизмат қилади. Айнан ижодий фаолиятга самарали тайёрланган ўқувчилар иқтидорлиликнинг қуйидаги мезонларига жавоб беради: ақлий ривожланишнинг жадаллиги; билишга қизиқиш, кузатувчанлик, нутқ, онглилик, ностандарт фикрлаш; қизиқиш, интеллект, эмоцияларнинг эрта ихтисослашуви; математика, мусиқа, тасвирий фаолият, инжиниринг, чет тилларни ўрганиш; билиш фаоллиги, ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилияти, қатъийлик, қўйилган мақсадга эришишга интилиш; амалий фаолиятга тайёрлик ва қобилиятлилик.

Ижодий жараён ўзида иккита муҳим белгини акс эттиради. Улардан бири – интуиция (зеҳн, фаҳм-фаросат), иккинчиси – интуитив фикрлаш жараёнида қўлга киритилган натижани расмийлаштиришдир. Фақат унинг самараси анланган, интуитив ва мантиқий фикрлаш бирлиги сифатида ишлаб чиқилганлик билан тавсифланади. Ижодий жараён турли даражада инсоннинг ижтимоий ташаббускорлигининг барча кўринишлари, асосан, унинг касбий фаолияти билан боғлиқ шаклларида мутлақ ўз аксини топади.

Ижодий фаолият – бу субъект фаолиятининг ўз меҳнатига (ишдан қониқиш, уни бажариш жараёнида янгиликка интилиш, муаммо ечимини топишда ижодий мотивация) муносабати ва масалани ижодий ҳал этиш (аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳамда фаолият усулларини янги ҳолатга мустақил кўчириш, муаммоли, маълум объектни янги функциясини кўра билиш) жараёнидир.


Ижодий фаолият жараёни бу мустақил ўқув-билиш фаолиятининг энг юкори даражада намоён бўлиши бўлиб, у ўзгарувчан тавсифга эга билим, кўникма ва муайян ижодий фаолият тажрибаси ҳамда билишнинг ижобий мотивлари шароитида юзага келиши ҳамда шу асосда ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашини кўрсатди. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларида ижодий билиш фаоллигини ривожлантиришни тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий билиш фаоллиги ўзида янги билимларни ўзлаштиришга барқарор мотивлар ва билиш жараёнига ижобий эмоционал йўналганликнинг қарор топганлиги, ўқув вазифаларини ҳал этишда одатий ўқув ҳаракати усулларини бартараф этишга интилиш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги билан тавсифланувчи шахс хусусиятини ўзида акс эттиради.

Ижодий фаолият мазмуни мотивацион-эмоционал, когнитив, иродавий ва фаолиятли-ижодий компонентларни ўзида акс эттиради (1-расм).

Таҳлил натижалари асосида бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги мезонлари аниқлаштирилди: мотивацион-эмоционал, иродавий, когнитив, фаолиятли-ижодий. Мотивацион-эмоционал мезон кўрсаткичлари: фаолиятда иштирок этиш истаги, онглилик, кўпроқ билишга интилиш, ижобий эмоционал қайғуриш, иштиёқ, фаолиятдан қониқиш ҳисси. Иродавий мезон кўрсаткичлари: қатъийлик, билишга йўналганлик, журъатлилик. Билишга доир мезон кўрсаткичлари: мўътадиллик, мослашувчанлик, ишчанлик, фикрлашнинг индивидуал ўзига хослиги. Фаолиятли-ижодий мезон кўрсаткичлари: жадаллик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги.

Мазкур мезонлар асосида бошланғич таълимда ижодий фаолиятни ташкил этиш мезонларига мос репродуктив, изланишли-эвристик, ижодий-ташаббускорлик даражалар аниқланди. Репродуктив даража билишга қизиқишнинг пастлиги, ўқув жараёнига ички қизиқишнинг мавжуд эмаслиги, ижодий вазифаларни ҳал этишда иродавий хусусиятларнинг етарли ифода этилмаслиги, ўқитувчи раҳбарлигида ҳаракатланиш лаёқати билан тавсифланади. Изланишли-эвристик даражада билишга қизиқиш ўқув мотивацияси тузилмасида ўртача ўринни эгаллайди. Барқарор билишга қизиқиш, саволлар туза олиш, ўқитувчига фикр-мулоҳаза билан мурожаат қилиш кўникмаларига эгалликни ўзида акс эттиради. Ижодий-ташаббускор даражада билишга қизиқиш, ўқув-билиш топшириқларини ҳал этиш истаги юкори тарзда намоён бўлади.



1-расм. Бошланғич таълимда ижодий фаолиятни ташкил этиш тузилмаси.

Ўз-ўзидан қониқиш ва қувонч ҳиссини уйғотувчи натижаларга эришишда қатъийлик ва журъатлилик билан ажралиб туради. Фаоллик, ташаббускорлик ва мустақиллик мунтазам намоён бўлади. Билимларни ўзлаштириш ижодий тавсифга эга.

Тадқиқот доирасида бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга доир замонавий ёндашувлар сифатида шахсий-фаолиятга йўналтирилган, аксиологик, рефлексив, компетенциявий ёндашувларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир доираси аниқлаштирилди.

Шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишда қуйидаги педагогик шарт-шароитлар ҳисобга олинди: ўқувчининг муайян фаолиятга киришишининг ихтиёрий эканлиги; қўйилган мақсадга эришиш воситасини танлашда ўқувчи шахсига ишонч, ҳар бир боланинг имкониятларига ишониш ва уларнинг қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришига хайрихоҳлик билдириш; ўқувчиларнинг қизиқиши, иштиёқи, хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш ва уларда янги қизиқишларни пайдо қилиш.

Тадқиқот доирасида шахсий фаолиятга йўналтирилган ёндашув амалий педагогик фаолиятда қуйидаги қоидаларга асосланиб жорий этилди: ўқувчининг мустақиллиги ва ташаббускорлигига таяниш; ўқувчи билан мулоқотда унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ўқувчиларнинг ютуқларидан қувониш; ўқувчига педагогик ёрдам кўрсатиш; инсонпарвар муносабат.

Аксиологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда қуйидаги индивидуал-шахсий қадриятлар тизимига асосланилди: ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантиришга, фаолиятни ташкил этишга шайлиги; ўз хулқ-атворини бошқара олиши; юқори даражадаги мустақиллик; онгли хулқ-атвор; фаолиятнинг ижодий тавсифи.

Бошланғич таълимда рефлексив ёндашув-самарали фикрлашнинг муҳим механизми сифатида нарса-ҳодисаларни баҳолаш, вазифаларни ҳал қилиш усуллари ва алгоритмининг излаб топиш, ижодий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз ҳагги-ҳаракатларининг оқибатини баҳолашга имкон беради.

Тадқиқот натижалари бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда компетенциявий ёндашув уч жиҳатни ўзида акс эттириши лозимлигини кўрсатди: фаолиятга йўналтирилган, коммуникатив ва шахсий.


Бошланғич таълим амалиётини таҳлил этиш ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга тўлиқ эътибор қаратилмаслигини кўрсатди: дарс ва дарсдан ташқари фаолият кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижодкорликни намоён қилиш имкониятини бермайди, билиш мотивацияси етарлича шаклланмаган; ўқитувчининг ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга тайёрлиги етарли даражада эмас, ўқувчиларда ижодий билиш фаоллигини ривожлантиришда тизимли мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмайди; ота-оналарда болалардаги ижодий билиш фаолиятини ривожлантириш компетентлигининг

шаклланмаганлиги; бошланғич таълимда ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини ҳисобга оладиган ва уларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган фан тўғараклари, клубларнинг тўлиқ ташкил этилмаганлиги ва ҳ.к.

Диссертациянинг **“Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш мазмуни ва амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг дидактик параметрлари, модели ва ҳамкорликдаги жамоавий ишни ташкил этиш технологияси ёритиб берилган.

Ижодий билиш фаолиятини ташкил этишга бағишланган назарий манбаларни таҳлил этиш, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари иш тажрибасини ўрганиш бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш имконини берди: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришнинг **“Ижодий фикрлашни ўрганаман”** дастурини ишлаб чиқиш ва бошланғич синф ўқув жараёнига татбиқ этиш; **“Педагогик калейдоскоп”** дастури асосида дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантириш соҳасига доир педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш; **“Ота-оналар учун калейдоскоп”** дастури асосида ота-оналарни болаларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришга тайёрлаш.

Мазкур педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш учун ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги механизми таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш механизми.

Илк кичик мактаб ёшида ўқувчи предметли-ҳаракатли тафаккур услубидан предметли-образли тафаккур юритишга ўтиш орқали интуитив фикрлашни эгаллайди. Бошланғич таълим давридаёқ мавжуд фикрий

фаолият тажрибаси асосида ўқувчини турли абстракт-мантикий фикрлаш операцияларини ўзлаштиришга ўргатиш зарур. Ана шу асосда бошланғич синф ўқувчисида босқичма-босқич мантикий фикрлаш ривожланади.

Ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолияти ўқув фаолияти жараёнида эгалланадиган эвристик фикрлаш тажрибалари асосида ривожланади. Мактаб ўсиб келаётган авлодга тақдим этадиган ижтимоий тажрибаларни таҳлил этиш асосида ижодий билиш фаолиятининг янги муаммоларни ҳал этиш бўйича изланишли, ташаббускорликка асосланган умумий элементлари мавжудлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу эса, бошланғич синфдаги ҳар бир ўқув фанида бажариладиган ўқув топшириқлари орқали ўқувчилар ижодий фаолият тажрибасини ўзлаштириши ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижодий фикрлаш ва тасаввурларни бойитишга йўналтирилган мантикий топшириқларни бажариш орқали асли генетик мавжуд бўлган фикрий фаолиятни ўзлаштиради.



3-расм. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш жараёни модели

Мазкур вазиятда ривожлантирувчи, шу жумладан “бойитилган” таълимга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, ўқув материали мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари ўзгарадиган кўшимча машғулотлар ўтказиш талаб этилади. Илмий адабиётлар таҳлили аниқ ижодий фаолият кўникмаларини ажратиб кўрсатиш имконини берди: ўқув топшириқларини мустақил тушуниш; ностандарт усуллар орқали ечимини топишга ундовчи ижодий мақсадни кўра олиш ва кўйиш; эвристик фикрлаш усулларига таянган ҳолда вазифани бажариш; воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш асосида қизиқувчанлик воситасида ўз тасаввурларини бойитиш; фикрий фаолиятнинг интуитив механизмлари (ассоциативлик, аналогия, ишонарлилик, вербал формаллаштириш) асосида муаммога ечим топиш.

Мазкур фикрларга асосланган ҳолда тадқиқот доирасида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Ўқув шахсини шакллантиришда кичик мактаб ёши алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур ёш даврида бола бошқа кишилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиради, мақсадга йўналганлик, ташаббускорлик, интилувчанлик хусусиятлари ривожланади, ҳаётий кадриятлари тизими шаклланади. Ўқувчининг ривожланиш майдонини кенгайтириш учун махсус педагогик фаолият талаб этилади. Бундай шарт-шароит сифатида бошланғич синф ўқитувчиси ва ўқувчилар учун жамоавий ижодий иш технологияси хизмат қилади.

Жамоавий ижодий иш (ЖИИ) – фаолиятни жамоавий тарзда ташкил этиш, жамоавий ижодкорлик, жамоа ҳаётига умумий даҳлдорлик ва эмоционал қайғуришга асосланган катталар ва болаларнинг самарали биргаликдаги фаолиятидир. Бошланғич синф ўқувчиси фаолиятни амалга оширадиган янги жамоага кўшилади. Жамоада ўқувчининг ривожланишида аҳамиятли натижалар билан тавсифланувчи психологик ўзгаришлар (хулқ-атвор ва фаолиятга эркин йўналганликни ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги даражаси; рефлексия – ўз ҳатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш; таҳлил этиш (ўхшаш ва фарқли жиҳатларни таққослаш); режалаштириш (ҳаракатлар режасини тузиш, турли вариантларни назарда тутиш); тенгдошлари ва яхлитликда гуруҳга йўналганлик) юзага келади.

Жамоавий ўзаро биргаликдаги фаолиятни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим: 1) инсонпарварлик: ўқувчини тарбия субъекти сифатида қабул қилиш; боладаги ижобий хусусиятларга таяниш; болани тушуниш, у ҳақида қайғуриш ва ёрдам кўрсатиш; 2) табиат билан уйғунлик: ўқувчининг психофизиологик ва ёш хусусиятлари; 3) ўзаро тенглик ва ҳамкорлик: жамоанинг барча аъзолари тенг ҳуқуққа эга; 4) маданият билан уйғунлик: миллий маданият ва этник анъаналар, умуминсоний кадриятларга асосланиш; 5) очиклик ва қулайлик: ўқувчиларнинг барчасини ўз-ўзини бошқаришда иштирокини таъминлаш; 6) кўнгиллилик: фаолият турларини танлашда боланинг ихтиёрий ва мустақил қарор қабул қилиши; 7) ҳар бир бола учун муваффақият вазиятини яратиш.

Бошланғич таълимда ҳамкорликдаги ижодий ишни ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) жамоавий тарзда мақсадни аниқлаштириш; 2) жамоавий ишни режалаштириш; 3) биргаликда

тайёргарлик кўриш; 4) жамоа бўлиб фаолиятни амалга ошириш; 5) жамоавий ишни таҳлил этиш ва келгусидаги ишларни режалаштириш.

Жамоавий тарзда мақсадни аниқлаштириш босқичида ўқувчиларда ҳамкорликдаги фаолиятга эҳтиёжни таркиб топтириш кўзда тутилади. Бунда ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва имкониятларини ташхис этиш, ўзаро биргаликдаги фаолият вариантлари, мазмуни ва шаклини ўйлаш, ҳамкорликдаги ишни қабул қилиш, ўқитувчининг ўқувчиларнинг ишларига раҳбарлик қилиши амалга оширилади.

Жамоавий ишни режалаштиришнинг моҳияти ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган иш режасини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда режани пухта, реал ва аниқ ишлаб чиқиш, ишнинг ижодий сценарийсини тузиш, ҳамкорликдаги иш самарадорлигига таъсир этувчи ғоя, шакл ва усуллар мажмуи (масалан, “ғоялар банки”, “лойиҳалар ҳимояси”, ақлий хужум, “экспресс-газета”) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биргаликда жамоавий ишга тайёргарлик кўриш жараёни режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш ва ҳамкорликдаги ижодий топшириқларни бажаришга доир биргаликдаги ҳаракатни ташкил этишдан иборат. Бунда ишга тайёргарлик кўриш учун мақбул вақтни аниқлаштириш, ҳамкорликдаги фаолиятга ўқувчиларнинг эмоционал муносабатини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ёрдам бериш вазиятини аниқлаштириш, ўқувчиларни ҳамкорликдаги ижодий ишга йўналтириш, фаолиятни мувофиқлаштириш, индивидуал ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади. Биргаликдаги жамоавий ишни ташкил этишда “яширин операция”, “ижодий лидер”, “ижодий топшириқлар алмашинуви”, “махсус топшириқ” каби ёндашувлар самарали ҳисобланади.

Жамоа бўлиб фаолиятни амалга ошириш босқичида ўқувчиларнинг кўнгилли иштироки ва хоҳиш-истаклари, ўз-ўзини намоён этишни танлаш имконияти, тайёргарлик кўрилган дақиқалар ва импровизацияни уйғунлаштириш, болаларнинг ўзаро бир-бири ва катталар билан ҳамкорлиги, қулай психологик муҳитни яратиш амалга оширилади. Бунда қуйидаги шакл ва усуллардан фойдаланиш тавсия этилди: “Саёҳат”, “қувноқ поезд”, “Кулгу шаҳарчасига саёҳат”, “Китоблар дунёси”, “Сирли ходисалар макони”, “Ҳимоя”, “Келажак мактаби”, “Орзуимдаги дарс”, “Бизнинг синфимиз – Интернет сайти”, “Авлодларга хабар”, “Севимли китобим”; “Эстафета”, Лотерея, “Чучмома-концерти”, “Мини-театр”, “Ролли ўйинлар”, “Ижодий суд”, “Космик пресс-конференция”, “Мулоқот”, “қувноқ стартлар”, “Интеллектуал хоккей”, “Нима? Қачон? Қаерда?” каби.

Жамоавий ишни таҳлил этишда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоавий тарзда амалга оширилган ишнинг ютуқлари, ўқувчиларнинг иштироки даражаларини эътироф этиш, жамоавий ишни янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазаларни тинглаш каби амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда ижодий

фаолиятни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ўтказилди. Тажриба-синов ишларига Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари жалб этилди.

Ўқувчининг сифат ривожланишининг якуний баҳоси бешта даража бўйича белгиланди: ўқув йили давомида ўқувчининг шахслик сифатлари ижобий ўзгарган тақдирда “юқори” деб баҳоланди, бунда унинг энг кўп имкониятга эгаллиги намоён бўлди; агар ўқувчининг имконияти бўлган ўзгариш юз берганда “ўрта”, ўзгариш сезилмаган тақдирда “паст”.

Тажриба-синов аввали ва сўнггидаги натижалар умумлаштирилиб, қуйидаги жадвал кўринишида акс эттирилди (1-жадвал):

1-жадвал

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги (тажриба бошида ва якунида)

т / р	Мезонлар	Тажриба синфлари n=185 та ўқувчи						Назорат синфлари m=191 та ўқувчи					
		Юқори		Ўрта		Паст		Юқори		Ўрта		Паст	
		т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.	т.б.	т.я.
1.	Фикрлаш	41	85	69	73	75	27	48	53	71	77	72	61
2.	Тасаввур	43	79	65	70	77	36	46	60	76	70	69	61
3.	Ўзига хослиги	49	86	61	72	75	27	51	55	74	72	66	64
4.	Янгиликни ҳис этиш	36	94	70	79	79	12	49	54	72	74	70	63
5.	Интуиция	42	87	66	76	77	22	50	56	74	69	67	66
6.	Илҳомланиш	47	90	67	77	71	18	46	58	70	71	75	62
7.	Ташаббускорлик	45	83	63	75	77	27	47	57	70	69	74	65
8.	Ижодийлик	41	89	68	78	76	18	49	55	76	70	66	66
9.	Мазмунни тушуниш	48	77	64	80	73	28	52	49	71	75	68	67
10.	Савол бера олиш	46	86	67	71	72	28	59	46	69	73	63	72
11.	Жами	438	856	660	751	752	243	497	543	723	720	690	647
12.	Ўртачаси	44	86	66	75	75	24	50	54	72	72	69	65

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш самарадорлиги даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида респондент-ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштиришлари Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этиди. Тажриба-синовда 376 нафар ўқувчилар қатнашди. Шулардан 185 нафар ўқувчи тажриба синфида ва 191 нафар ўқувчи назорат синфида қатнашдилар.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба якунидаги тажриба синфи респондент-ўқувчилар фаолиятининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфи респондент-ўқувчилар фаолиятининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Жадвал асосида тажриба ва назорат синфи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз ҳамда қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

Юқоридаги жадвал асосида тажрибадан олдинги тажриба ва назорат


синфларидаги натижаларни куйидаги жадвалда акс эттирамиз (2-жадвал):

2-жадвал.


Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги даражасини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ва сўнгги ўзлаштириш натижалари

Тажриба-синов ўтказилган вақт	Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба	185	44	66	75
	Назорат	191	50	72	69
Тажриба якунида	Тажриба	185	86	75	24
	Назорат	191	54	72	65

Бу кўрсаткичларга мос диаграммалар куйидагича кўринишга эга бўлди:



4-расм. Тажриба аввалидаги кўрсаткичлар



5-расм. Тажриба сўнггидаги кўрсаткичлар

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Натижалардан тажриба ва назорат гуруҳи учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \qquad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,33 - 0,1 \leq a_x \leq 2,33 + 0,1 \qquad 1,94 - 0,11 \leq a_y \leq 1,94 + 0,11$$

$$2,23 \leq a_x \leq 2,43 \qquad 1,83 \leq a_y \leq 2,05$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бизга маълум $\bar{X}=2,33$; $\bar{Y}=1,94$ $\Delta_x = 0,1$; $\Delta_y = 0,11$ га тенг. Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,33 - 0,1}{1,94 + 0,11} = \frac{2,23}{2,05} = 1,09 > 1;$$

$$K_{одб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,33 - 0,1) - (1,94 - 0,11) = 2,23 - 1,83 = 0,4 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

ХУЛОСА

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ижодий фаолият – бу субъект фаолиятининг ўз меҳнатига (ишдан қониқиш, уни бажариш жараёнида янгиликка интилиш, муаммо ечимини топишда ижодий мотивация) муносабати ва масалани ижодий ҳал этиш (аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳамда фаолият усулларини янги ҳолатга мустақил кўчириш, муаммоли, маълум объектни янги функциясини кўра билиш) жараёнидир.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий билиш фаоллиги ўзида янги билимларни ўзлаштиришга барқарор мотивлар ва билиш жараёнига ижобий эмоционал йўналганликнинг қарор топганлиги, ўқув вазифаларини ҳал этишда одатий ўқув ҳаракати усулларини бартараф этишга интилиш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги билан тавсифланувчи шахс хусусиятини ўзида акс эттиради.

3. Таҳлил натижалари асосида бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги мезонлари аниқлаштирилди: мотивацион-эмоционал, иродавий, когнитив, фаолиятли-ижодий. Мотивацион-эмоционал мезон кўрсаткичлари: фаолиятда иштирок этиш истаги, онглилик, кўпроқ билишга интилиш, ижобий эмоционал қайғуриш, иштиёқ, фаолиятдан қониқиш ҳисси. Иродавий мезон кўрсаткичлари: қатъийлик, билишга йўналганлик, журъатлилиқ. Билишга доир мезон кўрсаткичлари: мўътадиллик, мослашувчанлик, ишчанлик, фикрлашнинг индивидуал ўзига хослиги. Фаолиятли-ижодий мезон кўрсаткичлари: жадаллик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги.

4. Ижодий билиш фаолиятини ташкил этишга бағишланган назарий манбаларни таҳлил этиш бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш имконини берди: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришнинг “Ижодий фикрлашни ўрганаман” дастурини ишлаб чиқиш ва бошланғич синф ўқув жараёнига татбиқ этиш; “Педагогик калейдоскоп” дастури асосида дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантириш соҳасига доир педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш; “Ота-оналар учун калейдоскоп” дастури асосида ота-оналарни болаларнинг ижодий билиш фаолиятини ривожлантиришга тайёрлаш.

5. Илмий адабиётлар таҳлили конкрет ижодий фаолият кўникмаларини ажратиб кўрсатиш имконини берди: ўқув топшириқларини мустақил тушуниш; ностандарт усуллар орқали ечимини топишга ундовчи ижодий мақсадни кўра олиш ва қўйиш; эвристик фикрлаш усулларига таянган ҳолда вазифани бажариш; воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш асосида қизиқувчанлик воситасида ўз тасаввурларини бойитиш; фикрий фаолиятнинг интуитив механизмлари (ассоциативлик, аналогия, ишонарлик, вербал формаллаштириш) асосида муаммога ечим топиш.

6. Ўқувчи шахсини шакллантиришда кичик мактаб ёши алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур ёш даврида бола бошқа кишилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиради, мақсадга йўналганлик, ташаббускорлик, интилувчанлик хусусиятлари ривожланади, ҳаётий қадриятлари тизими шаклланади. Ўқувчининг ривожланиш майдонини кенгайтириш учун махсус педагогик фаолият талаб этилади. Бундай шарт-шароит сифатида бошланғич синф ўқитувчиси ва ўқувчилар учун жамоавий ижодий иш технологияси хизмат қилади.

7. Жамоавий ўзаро биргаликдаги фаолиятни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим: инсонпарварлик (ўқувчини тарбия субъекти сифатида қабул қилиш, боладаги ижобий хусусиятларга таяниш, болани тушуниш, у ҳақида қайғуриш ва ёрдам кўрсатиш); табиат билан уйғунлик (ўқувчининг психофизиологик ва ёш хусусиятлари); ўзаро тенглик ва ҳамкорлик (жамоанинг барча аъзолари тенг ҳуқуққа эга); маданият билан уйғунлик (миллий маданият ва этник анъаналар, умуминсоний қадриятларга асосланиш); очиқлик ва қулайлик: (ўқувчиларнинг барчасини ўз-ўзини бошқаришда иштирокини таъминлаш); кўнгиллилик (фаолият турларини танлашда боланинг ихтиёрий ва мустақил қарор қабул қилиши); ҳар бир бола учун муваффақият вазиятини яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БОЛТАЕВА ШАХЛО ТОШПУЛАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ОСНОВ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Ped299 .

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net) .

Научный руководитель:	Ибраимов Холбой Ибраимович, доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдуманнотов Абдумажит Матаевич кандидат педагогических наук, доцент Адизов Бахтиёр Рахмонович доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Тошкентский государственный педагогический университет имени Низами

Защита диссертации состоится “__”_____2019 года в__ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес:140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

С Диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по №__). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.:(0366) 239-11-51; факс:(0366) 239-17-14.

Автореферат диссертация разослан «__»_____2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__»_____2019 года).

М.М.Махмудова
Зам Председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Ш.Р.Ураков
Ученый Секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.п.н.(PhD)

Н.Шодиев
Председатель Научного семинара
при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется на глубокое и прочное усвоение знаний с начальных этапов образования, успеваемость универсальных учебных действий, организацию процесса образования направленного развитию активности творческого познания у учащихся как первичный фактор формирования самостоятельного мышления. Основываясь на результаты по применению в повседневной деятельности усвоенных знаний, навыков квалификаций программы оценивания (PISA, TIMSS) в образовательных системах развитых стран, широко используются педагогические подходы повышающие степень творческой деятельности учащихся в коррекции и модернизации образования совершенствовании учебных материалов.

В мире осуществляются научные исследования направленные на педагогические технологии помогающие организации творческой деятельности учащихся начального класса, развития личности учащихся с малого школьного возраста, воспитания их способностей, нравственных и эстетических эмоций, разработке учебных структур направленных на формирование интереса к учёбе, желания, эмоциональному отношению к себе и окружающему миру, проявления интеллектуальной способности учащихся. Предмет концептуальных научных исследований направленных на творческую деятельность педагогики настоящего времени обозначится с учетом яркости творчества учащихся малого школьного возраста, интереса к изобретательности быстрого осознания образного содержания сказки, рассказа, песни, музыки, творческих возможностей.

Реформы перевода системы образования в создав необходимых условий формирования основанных на основных национальных и общечеловеческих ценностей духовно-нравственных качеств, навыков труда, творческого мышления, сознательного отношения к окружающей среде, потребности усвоения знаний по основам предметам учащимися с начального образования, требуют необходимость совершенствования педагогических подходов организации творческой деятельности учащихся начального класса. В концепции развития системы Народного образования до 2023 года обозначены важные задачи как «совершенствование методов преподавания, поэтапное внедрение принципов индивидуализации в образовательно - воспитательный процесс, формирования здоровой, сильной и влиятельной мотивации к обучению учащихся с малого возраста»¹. Исходя из приведенных важное значение приобретает в повышении качества и эффективности образования уточнение. Дидактических особенностей развития деятельности творческого познания направленной на создания творческой среды в начальном образовании, совершенствование педагогических методов организации совместной творческой работы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении ПП-3304 от 30 сентября 2017 года « О совершенствовании деятельности министерства народного образования Республики Узбекистан», Постановлениях Кабинета Министров №187 от 6 апреля 2017 года « Об учреждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального профессионального образования», №997 от 8 декабря 2018 года «О мерах организации международных исследований в сфере оценки качества образования в системы народного образования», также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.

Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан «Ф1. Духовно- нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирования инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В научных исследованиях ученых нашей республики Б.Адизова, Р.Сафаровой, Ф.Ходжиевой, Ш. Нуруллаевой, Р.Нуржановой, Г. Хасановой, Н.Диловой, З.Холматовой в определенной степени разработаны эффективные условия осуществления творческой активности учащихся начальных классов, научно- педагогические и методические основы разработки учебных заданий основанный на креативный подход. В исследованиях ученых – психологов М. Давлетшина, З. Нишоновой, ученых педагогов Ш.Шарипова, Б.Ходжаева, Г. Ибрагимовой, А.Арифжановой, Д.Якубжановой изучены вопросы формирования творческой способности у учащихся, подготовки креативной деятельности будущих учителей.

